



ТОШКЕНТ ХАҚИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2003 йил 16 апрель, чоршанба

№31 (11.522)

Эркин нархда сотилади

Вилоят ҳоқимлигида

ОНА СОҒЛОМ, БОЛА БАРКАМОЛ БЎЛСИН

Вилоят ҳоқимлиги Оида, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш мажмуининг биринчи чорак якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мажмуининг тегишли бўлим ва бошқармалари бошлиқлари, шаҳар ва туман ҳоқимларининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосарлари, соғлиқни сақлаш бўлимларининг бошлиқлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг вакиллари иштирок этди.

Йиғилишни вилоят ҳоқимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитасининг раиси Адиба Ахмадхонова бошқарди.

Кун тартибидagi масалалар бўйича котибият ва унинг бўлимлари томонидан амалга оширилган ишлар ҳисоботи тингланди. Ойлада тиббий маданиятни ошириш, аёллар соғлигини мустоҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялаш борасида амалга оширилган ишлар, «Обод маҳалла йили» Давлат дастури тўғрисидаги қарорнинг бажарилиши ҳамда аёллар, вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг аҳволи ва унинг олдини олиш борасидаги муҳим вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўтган давр мобайнида мажмуа томонидан Президентимиз фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ҳамда вилоят ҳоқимининг меъёрий ҳужжатлари ижросини таъминлаш борасида бирмунча ижобий ишлар амалга оширилгани таъкидланди.

Шунингдек, йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 28 октябрдаги «Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирларни ўтказишни тартибга солиш тўғрисида»ги Фармони асосида олиб борилаётган кенг қўламли ишлар ҳусусида ҳам гап борди.

Келажагимиз бўлган авлод ҳар томонлама баркамол улайиши, алоҳида қобилиятли ёшларни аниқлаш, уларнинг билимини шакллантириш мақсадида «Замон ёшлари» вилоят кўрик-танлови ўтказилди. Тадбир тўрт босқичдан иборат бўлиб унда 128 мингдан ортиқ ўқувчи-ёшлар иштирок этди. Аини вақтда муҳокама чоғида қилинган ишлар билан бирга аҳолида айрим камчиликлар ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар ҳусусида ҳам гап борди.

Йиғилишда барча масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Вилоят ҳоқимлиги индустрияни ривожлантириш, қурилиш ва коммуникация масалалари мажмуининг 2003 йилининг биринчи чораги якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳоқимлиги котибият ва гуруҳлари, мажмуа таркибига кирувчи бошқармалар, корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳоқимларининг қурилиш, алоқа, транспорт масалалари бўйича ўринбосарлари иштирок этди.

МАЖМУА ЙИҒИЛИШИ

Йиғилишда вилоят қурилиш ташкилотлари ва автотранспорт корхоналари фаолиятининг йилнинг биринчи чорагидаги якунлари ҳамда иккинчи чоракда амалга оширилаётган вазифалар кўриб чиқилди. Шунингдек, вилоят коммунал хизматлар кўрсатиш тизимини ислох қилиш борасидаги ишлар — уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш, иккинчи чоракдаги режалар, аҳоли уй-жойларига табиий газ ва ичимлик сув ҳисоблагичларини ўрнатиш, дебитор ва кредитор қарзларини қаматириш, электр қуввати билан аҳолини узлуксиз ва ўз вақтида таъминлаш чораларидан иборат бўлиб ўтди. Иккинчи чоракдаги режалар алоҳида муҳокама қилинди.

Йиғилишда таъкидлан-

ганидек, биринчи чоракда вилоятда капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш юзасидан муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан, барча молиявий манбалар ҳисобидан 21,7 миллиард сўмлик капитал сармоялар ўзлаштирилди. Шунингдек, 10,7 миллиард сўмлик қурилиш ва монтаж ишлари бажарилиб, режа 100,3 фоизга етказилди. Шу жумладан, биринчи чоракда 73,6 минг квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилди. Аҳолини табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида 50,3 километр газ ва 7 километр ичимлик суви қувурлари тортилди.

Йиғилишда айрим шаҳар ва туманларда бу

соҳадаги ишлар суст бо- раётганлиги, камчилик ва нуқсонларга йўл қўйи- лаётганлиги қайд этилди. Режа бўйича бу йил 14 та касб-хўна қоллежи қурилиб, шундан 11 таси фойдаланишга топшири- лиши зарур. Аммо, бу бо- радаги ишларни ҳозирча кўнгилдагидек деб бўлмайди. Шунингдек, 39 та қишлоқ шифокорлик пунктларини қуриб, фой- даланишга топшириш иш- лари ҳам яхши кетмаяпти.

Йиғилишда мавжуд му- аммоларни бартараф этиш йўллари, иккинчи чоракда амалга оширилаётган иш- лар режаси белгилан- олинди, корхона ва таш- килотларга аниқ вазифалар юкланди.

Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан те- гишли қарор қабул қилинди.

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Вилоят ҳоқимлиги ижтимоий масалалар мажмуасининг 2003 йили биринчи чораги якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мажмуа таркибига кирувчи бошқарма ва ташкилотларнинг раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳоқимларининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосарлари иштирок этди.

Йиғилишни вилоят ҳоқимининг ўринбосари Абдукарим Раҳимбердиев бошқарди.

Йиғилишда вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиясининг бугунги фао- лияти, соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишнинг бориши, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Қадрлар тайёр- лаш миллий дастури»нинг ижроси, болалар спортини ривожлантириш жа- мғармаси фаолиятини янада такомил- лаштириш масалалари муҳокама этил- ди.

Йиғилишда амалга оширилган таш- килий-тарбиявий ишлар натижада вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбу- зарлик ва жиноятчилик 2002 йилнинг шу даврига нисбатан бирмунча ка- майганлиги кўрсатиб ўтилди. Аммо, бу борада ҳали жиддий нуқсонлар мав- жудлиги ҳам таъкидланди. Жойларда «Болалар ҳуқуқлари ҳақидаги конвен- ция»нинг тарғиботи, Президентимиз- нинг «Амнистия тўғрисида»ги Фармо- ни асосида қамок жазосидан озод этилган ёшларнинг кейинги тақдирла- ри билан етарли шугулланилмаётган- лиги айтилди.

Йиғилишда соғлиқни сақлаш тизи- мини ислох этишнинг бориши чуқур

таҳлил этилиб, бу соҳада эришилаёт- ган ютуқларга алоҳида эътибор қара- тилди. Хусусан, шу кунга қадар 18 та даволаш-профилактика муассасалари ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашга ўтказилди.

Қадрлар малакасини ошириш бора- сида ҳам сезиларли ишлар амалга оши- рилди. Йил бошидан буён 390 нафар шифокор ва 473 нафар ўрта тиббиёт ходими қайта ўқитилди.

Лекин йиғилишда ҳали равишда таъкидланганидек, соҳада эришилаёт- ган ютуқларга қарамай, ҳали ечимини қутаётган муаммолар ҳам учраб ту- рибди. Чунончи, вилоятда фаолият кўрсатаётган шифоналарнинг 77 таси капитал таъмирлашга муҳтож.

Болалар спортини ривожлантириш вилоят жамғармаси фаолиятини тако- миллаштириш борасида ҳам ҳали қили- нажак ишлар талайлиги, айрим жойлар- да бу борада ҳануз амалий ишлар бош- ланмагани, спорт майдонларини қуриш ёки мавжудларини таъмирлаш кўнгли- дагидек бормайганлиги алоҳида таъ- кидланди.

Йиғилишда кўрилган барча масала- лар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Бугуннинг гапи

ТАЖРИБА, ИМКОНияТНИ ИШГА СОЛАДИГАН ПАЙТ

Кейинги кунларда ҳаво паст келди. Ёгингарчилик чигит экишни қийинлаштириятти ва унинг мўддатларини кечиктириб юборятти. Хусусан, кечаги кунгача режадаги 108 минг гектар майдоннинг 21245 гектарига, шу жум- ладан, мўлжалдаги 24 минг гектар ўрнига 3225 гектар ерга плёнка остига чигит экилди. Бундай вазиятда пахтакорлардан тадбиркорлик, уюшқоклик, сафарбарлик, керак бўлса, фидойилик талаб қилиниши тўғрисида, Табиатдан мурувват қутқиш ноўрин. Бунинг ўрнига бор имкониятларни ишга солиш чораларини кўрган маъқул.

Биринчи галда мавжуд ҳамма экин агрегатлари ке- чаю кундуз ишга шай ҳолда туриши керак. Иккинчидан, уларга бир йўла ўғит, гер- бицид сепадиган ва албатта, эгат оладиган органлар осилган бўлиши лозим. Чун- ки, ерда намлик юқори, тех- никани майдонларга қайта- қайта киритавериш ернинг зичлашиб кетишига ва оқибатда култивация ўтка- зилганда кесаклар кўчиб, ғўза ниҳолларига шикаст етишига сабаб бўлади.

Айни кунларда плёнка остига чигит экилган май- донларда ортикча ёгингар- чилик боис плёнка устида сув тўпланиш ҳоллари куза- тилмоқда. Агар экиш билан бир вақтда эгат ҳам олиб кетилса, бундай муаммога ўрин қолмайди. Умуман, плёнкагами ёки очикчами, бундан қатъи назар, экиш пайтида бир йўла ўқариклар олиб қўйиш зарур. Шундай қилинса, кучли ёгинлар пай- тда чигит экилган майдон- ларда ёмғир сувлари тўплан- май, ўқариклар орқали таш-

қарига чиқиб кетади. Маълумки, ортикча ёгин сабабли ғўзани ўт босиш ҳавфи туғилади. Бунинг ол- дини олиш учун нафақат плёнка остига, балки очикча ҳам, албатта, гербицид се- пиб, чигит экиш керак бўла- ди. Агар мосламалар етиш- маса, борини плёнка остига экадиган агрегатларга осиб, очикча экилган майдонларга ОВХ ва штангали пуркагич- ларда сепиш лозим.

Тўғри, айрим иқтисодий ноҳор ҳўжаликлар ортикча харажатдан қочиб, очик май- донларга чигитни гербицид- сиз экишади. Лекин, уларга ҳозирги шароитни ҳисобга олиш зарурлигини ўқитиб ўтмоқчимиз. Агар гербицид сепилмаса, қатта намлик ту- файли бегона ўтлар кучли ривожланиб, ғўза ниҳолла- рини бўғиб қўяди. Оқибатда кўчат меъёрадагидан сийрак ва нимжон бўлиб, ривождан қолади. Бу эса ҳосилдорлик- ка салбий таъсир этади.

Республика гидрометеоро- логия хизматининг огоҳ- лантиришига қараганда, ап-

рель ойининг учинчи ўн кун- лигида ҳам ёгингарчилик кўп бўлади. Демак, чигит экил- ган майдонларда қучли қат- қалоқ пайдо бўлиши ҳавфи бор. Шунини ҳисобга олиб, ҳамма ҳўжаликларда қатқа- лоқни юмшатувчи мослама- ларни шай ҳолда сақлаш лозим.

Плёнка остига экилган дастлабки майдонларда чи- гит тўпроқ ериб қолди. Эрта- индин ишловталаб бўлади. Бунга ҳозирдан тайёргарлик кўриш, культиваторларни созлаб қўйиш керак.

Бу йил чигит экиш кечик- моқда. Шу боис яғанани ҳар йилгидан эртароқ бошлаш ва қисқа муддатда туғатиш чо- расини кўриш лозим. Бу муҳим тадбирга ғўза 1-2 та чинбарг чиқарганда киришиш аини муддаодир. Ғўзани қуч- ли жала, дўл уриб кетмасми- кин, деб 3-4 та чинбаргини қутиб ўтириш бефойда. Чун- ки, 4-5 та чинбаргдан сўнг яғана қилинган майдонларда ҳосилнинг кеч пайиши, бу- нинг устига пахтанинг 6-7 центнергача йўқотилиши таж- рибалардан маълум.

Бир сўз билан айтганда бугунги кун дехқонларимиз- дан шароитдан келиб чиқиб бутун тажриба, имкониятлар- ни ишга солиб ҳаракат қилишни талаб этмоқда.

Сирожиддин БЕРДИҚУЛОВ,
вилоят қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси мутахассиси.



Бўка туманидаги Барот Умаров номли ширкат ҳўжалигида бу йил 485 гектар майдонда галла етиштирил- моқда. Ҳозир бўғдой тўла найчалаш босқичига кирди. Абдуғани Толипов бош пудратчилик қилаётган 26,5 гек- тар ердаги галланинг ривожини яхши,

қўчат қалин. Ўтган мавсумда ҳосил- дорлик 47,5 центнерданга тўғри кел- ганди. Бу йил 50 центнерни мўлжал- лашаяпти.

СУРАТ: Абдуғани Толипов галла ри- вожидан мамнун.
Даврон АҲМАД олган сурат.

сингари бошқа сойлар ва дарёларнинг узанларини тозалаш ва чуқурлаштириш, шағал ётқизиш, қирғоқларни ва кўприк- ларнинг таянчларини мустоҳкамлаш, дам- баларни тиклаш қизгин давом эттирил- моқда. Вилоят, шаҳар ва туманларнинг ҳоқимликлари ҳузурида ташкил этилган комиссиялар ва штаблар бу ишлар учун етарли техника воситалари ва бошқа мод- дий-техника заҳираларини жалб этмоқда- лар. Вилоят автотўл, қишлоқ ва сув ҳўжа- ликлари бошқармалари, кўча механизаци- лашлаган жамламалар томонидан ҳамма ишлар белгиланган режа асосида бажари- лаётти. Аммолик кон-металлургия комби- нати, «Аммофос» ва бошқа йирик корхона, ташкилотлар бу ишларга техник жиҳатдан қатта ёрдам кўрсатаяпти.

Айни пайтда сел окимлари ўтиши, кўчки ва тошқинлар юз бериши мумкин бўлган ҳудудларда назорат ва ҳавфсизлик чорала- ри янада кучайтирилмоқда.

Ўз мухбиримиз.

Фавқулодда вазиятлар хизмати

Орлатиб ёққан қисқа-қисқа қучли ёмғир икки кундан буён тинмайди. Табиийки, бу тоғларда эрвчанчиликни ҳам тезлаш- тириб, қучки ва сел окимлари ҳавфини қучайтирмоқда.

— Шундай бир шароитда фавқулодда хиз- мат ходимлари огоҳлиқни ҳар қачонгидан ҳам ошириб, кузатув ишларини кеча-кун- дуз олиб бормоқдалар, — деди вилоят фав- қулодда вазиятлар бошқармаси аҳоли ва ҳудудларни муҳофаза қилиш бўлимининг бошлиғи Нодир Жумаев. — Ўзбекистон Рес- публикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 7 мартдаги «Тошқин ва сел окимлари, қучки ҳодисаларининг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини туғатишга доир ке- чиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ва вилоят ҳоқимининг шу масала ҳусусида қабул қилган махсус

ЗАРУР ЧОРАЛАР КЎРИЛМОҚДА

қарорига биноан тоғли ва тоғолди ҳудуд- лар — Охангарон, Бўстонлик, Паркент ту- манларида қўшимча кузатув постлари таш- қил этилди. Улар қучки, сел окимлари син- гари фавқулодда вазиятлар содир бўлиш ҳавфи туғилганда аҳолини хабардор қилиш, ҳавфсизлиқни таъминлаш учун барча во- ситаларга эга.

Ички ишлар, фавқулодда вазиятлар, ҳавфли геологик жараёнларни кузатиш

хизматлари ходимлари, маҳаллаларнинг посбонларидан иборат кузатув постлари Элтойсой, Совуқбўлоқсой, Ургаза, Унгут, Хумсон, Оксоқота, Галвасой ва Заркент қишлоқларида мунтазам иш олиб бормоқ- да. Сув оқими қучайиши, тошқин ҳавфи юзага келиши мумкин бўлган Оксоқота- сой, Паркент, Ватқере, Дукентсой, Қо- рабўғсой, Ишбўшсой, Бошқизилсой, шу- нингдек, Чирчик, Охангарон ва Қорасув

ВИЛОЯТ ҳаёти

САЙИТ ҚИШЛОҒИДА ЎТКАЗИЛДИ

Пскент туманининг Сайит қишлоқ фуқаролар йиғинида маҳалла фаоллари ва оила бошлиқлари иштирокида туман хотин-қизлар кенгаши ҳамда ФХД туман бўлимининг вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.

Бу тадбирда маҳал- лалардаги тўй-ҳашам, маъракаларни ихчам- лаштириш, ёш келин- куёвларнинг олдидаги вазифалар ҳақида фикр

алмашилди. Учрашувда маҳалла ахли ўзларини қизик- тирган турли саволларга жавоблар олишди.

Ўз мухбиримиз.

КОЛЛЕЖДА «ИСТИҚЛОЛ ҒУНЧАСИ»

Тошкент туманидаги ижтимоий-иқтисодиёт коллежидда ўқитувчи ва талабалар томонидан «Истиқлол ғунчаси» хабарномасининг шлк сони тақдимоти бўлди.

«Ўқи, ўрган, ўйла, жаҳонга интил» шиори остидаги бу хабарнома- да коллеждаги ўқитув- чиларнинг талабалар учун қўлланмалари, ўқув даргоҳи ҳаёти ҳақидаги мақолалари чоп этилди. Бундан сўнг «Истиқлол ғунча- си»да ёш қаламкашлар- нинг ихлодлари

мансуб ҳикоялар, шеърлар ҳамда қизи- қarli воқеалар ҳам ёритиб борилади. Шунингдек, хабарно- мадан жой олган бошқотирмалар, қулги саҳифалари талабалар ҳаётининг қизикарли ўтишида муҳим аҳамият касб этади.

Ўз мухбиримиз.

ДАСТУР ИЖРОСИ НАЗОРАТДА

«Обод маҳалла йили» муносабати билан Янқийўл тумани ҳудудида диққатга сазовор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, «Обод маҳалла» дастури асосида режалар ишлаб чиқилиб, уларнинг ижроси қатъий назоратда олинди.

Маҳаллаларни обо- донлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари, ёшлар тарбия- си борасидаги тадбир- лар, оилавий муаммо- лар билан боғлиқ масалалар, тўй ва маъракаларни тартибга солиш ва яна бошқа қатор вазифалар маҳал- ла оқсоқолларининг иш режаларига киритилган.

Маҳаллаларида дастурда кўзда тутилган ишлар- нинг ижроси таъмин- ланмоқда. Кўчалар саранжом-саршта- канлини, тўй-ҳашам- лар ҳам рисоладагидек ўтмоқда. Ёш оилалар масалалари билан яраштирув комиссияла- ри фол шугулланиб келмоқдалар.

Мурод
ПАРПИХУЖАЕВ.

ВИЛОЯТ ҳаёти

«Ташаббус-2003» кўрик-танлови голиби

МАРҒУБАНИНГ СЎЗНАЛАРИ

Паркент туманидаги дўқонларга қирган кишини бежирим қилиб тикилган, бурж ва мучалларни ўзида акс эттирган зардўзлик буюмлари дарҳол ўзига жалб этади. Бу соғаларни тадбиркор Марғуба Нишонovaning шоғирдлари тайёрлаганлар.

Марғуба Нишоновна ҳозирда «Тадбиркор аёл» уюшмаси туман бўлимининг раиси. У ҳунармандчиликка эътибор кучайгач, Самарқанд ва Бухорога бориб, зардўзлик касбини мукаммал ўрганиб келди. Юзлаб шоғирдларига ўзининг касбини ўргатди. Улар тайёрлаган бурж ва мучаллар акс эттирилган зардўзлик буюмлари нафақат ўзбекистонлик, балки, чет эллик сайёҳларда ҳам катта қизиқиш уйғотди.

Она кўплаб кўргазмаларда доим иштирок этиб келади. «Ташаббус

— 2003» кўрик-танловидида қатнашиб, туманда биринчи ўринни қўлга киритган бўлса, вилоят босқичида учинчи ўрин соҳибаси бўлди.

Марғуба Нишоновна айни пайтда «Тадбиркор аёл» уюшмаси томонидан чет эл сармосини туманга жалб этиб, кўплаб аёлларни иш билан таъминлашга ҳаракат қилмоқда.

Камолиддин АСҚАРОВ.

СУРАТДА: ҳунарманд Марғуба Нишоновна.

Даврон АҲМАД олган сурат.



Республикаимиз олий ўқув юртини учун кейинги йилларда турли фанлар бўйича 80 номдаги янги дарсликлар тайёрланди. Улар узлуксиз таълим тизими учун янги турдаги ўқув адабиётини яратиш концепцияси талабларига мувофиқ ишлаб чиқилди. Ушбу концепцияда бундай адабиётлар нафақат билим бериши, балки шахс камолотига ҳам самарали таъсир кўрсатиши зарурлиги қайд этилган.

ТАЛАБАЛАР УЧУН ЯНГИ ДАРСЛИКЛАР

Қадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишнинг дастлабки пайтларидаёқ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртиларидида мавжуд бўлган кутубхоналардаги барча дарслик ҳамда ўқув қўлланмаларини умумий экспертизадан ўтказди. Натигада ушбу дарсликлар ва ўқув қўлланмалари қуйидагича: фойдаланиш учун умуман тасвирга элмайди, яъни уч йил ичида янгиланиши лозим бўлган ва янгилари яратилгунга қадар ўқув жараёнида вақтинчалик қўллангани мумкин бўлган тоифаларга ажратилди. Бу эса олий ўқув юртиларида ўқилган 3400 номдаги фанларнинг янги ўқув дарсликлари авлодини яратишнинг жорий ва истикболдаги режаларини тузиш учун шароит туғдирди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги дарсликлар муаллифлари малакасини ошириш учун семинарлар ва чет элга стажировкалар уюштирмоқда. Муаллифларни рағбатлантириш мақсадида дарслик яратилиши ва чоп этилишига масъул муайян олий ўқув юрти ректори ва вазирлик билан шартномалар тузилмоқда. Тузилган шартномалар асосида кейинги 4 йил ичида олий ўқув юртиларида ўрганилаётган 2267 номдаги, жумладан, янги иқтисодиёт йўналишлари, ҳуқуқ ва ҳуқуқий муносабатлар, соғлиқни сақлаш, тиббиёт, асосий фанлар, техника ҳамда технологиялар бўйича дарсликлар ва ўқув қўлланмалари яратилди ва чоп этилди.

Анъанавий ва электрон дарсликлар бир кунда яратилмади. Бироқ талабаларга бугун янги ахборотлар керак. Эро, замонавий фанлар жадал суръатда ривожланиб бормоқда. Бунинг ҳам йўли топилиди. Кичик нусхаларда маърузаларнинг 11 минг номдаги матнлари чоп этилди, шу йўналишдаги олий ўқув юртилари ва кафедралар билан ушбу матнлар билан аламлиш ташкил этилди. Энг эътиборлиси шундаки, барча матнлар ҳар бир семестрда янгиланади ва талабаларга тарқатилади.

А.ИВАНОВА,

ЎЗА мухбири.

АВСТРАЛИЯ ТЕРРОРЧИЛИК ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ЯНГИ РЎЙХАТИ

Австралия парламенти мамлакатда мавжуд халқаро террорчилик ташкилотлари рўйхатида яна олти янги гуруҳни қиритди. Улар сирасига «Ўзбекистон ислом ҳаракати» деб аталмиш тўда билан бирга «Усбат ал-ансор», «Адан ислом армияси» ва бошқалар кирди.

Қабул қилинган қарорга мувофиқ, маъзур ташкилотлар фаолиятига у еки бу шаклда дахлдор бўлган ҳар қандай австралиялик фуқаро 25 йил муддатли қамқоқ жазосига ҳукм қилиниши

мумкин. Шундай қилиб, Австралия «Ўзбекистон ислом ҳаракати» деб аталмиш тўдани халқаро террорчилик глобал тизимининг узвий бўлаги бўлиши ўта хавфли террор-

чилик ташкилотлари рўйхатига киритган давлатлар қаторидан жой олди. Пировадиди айтиш жоизки, «Ўзбекистон ислом ҳаракати» деб аталмиш гуруҳ фаолиятини ман этиш тўғрисидаги қарор муқаддам дунёнинг қатор мамлакатлари, шу жумладан, АКШ, Буюк Британия, Канада ҳамда БМТ томонидан қабул қилинган эди.

«Жаҳон» АА.

Кўргазма

Кеча пойтахтимиздаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида саккизинчи Тошкент Халқаро «Соғлиқни сақлаш» кўргазмасининг очилиш маросими бўлди.

Уни Британиянинг ITE Group PLS ва Ўзбекистоннинг Itesa — Osiyo компаниялари ташкил этишди. Шу муносабат билан «Интермеч» залида оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот анжумани ўтказилди. Бу йил ТИНЕ лойиҳасида Туркия, Германия, Ўзбекистон, Хиндистон каби 17 мамлакатнинг 50 дан ортиқ ком-

ITE GROUP PLS VA ITESA — OSIYO ҲАМКОРЛИГИДА



паниялари иштирок этмоқдалар. Шундан сўнг «Кристалл Бал Рум» залида тиббиёт соҳасида қўлланиладиган янги асбоб-ускуналар ва дори-дармонлар намоиши

бошланди. Бу галги кўргазма ўтган йилга нисбатан фарқ қилиб, тиббиёт қўлланмалари ишлаб чиқарувчи компаниялар сони янада ортди. Бундан қўзланган асосий мақсад — соғлиқни сақлаш тизимида кўпгина қўлайликлар яратишдан иборатдир. Жумладан, бу кўргазма мамлакатимиз шифоналари ва дори-хоналарини янги технологиялар билан бойитиб боришда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини тақомиллаштириб, самардорлигини оширишга хиз-

мат қилади. Машҳур ишлаб чиқарувчи фирма ва компаниялар махсусотлари танлов асосида сараланади, давлат ва маҳаллий бюджетдан унумли фойдаланишда қўлайлик яратди. Зотан, бугунги кунда ушбу анъанавий кўргазма тиббиёт соҳасида кўплаб имкониятлар яратиб, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган дори-дармонларнинг хорижий давлатларга экспорти қўламини ошатилади.

Ҳасанбой САДУЛЛАЕВ.

НАВБАТДАГИ ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

Германиянинг «Friedensdorf International» халқаро ҳайрия ташкилотини томонидан инсонпарварлик тиббий ёрдами доирасида Ўзбекистонга навабатдаги юк жўна-тилди.

Ушбу инсонпарварлик юки «Соғлом авлод учун» жамғармасига юборилган бўлиб, республика болалар шифоналари ва меҳрибонлик уйларини жиҳозлаш учун мўлжалланган.

Умумий вазни 12 тоннага яқин ва қиймати 100 минг евро миқдоридаги маъзур юк таркибида тиббий ускуналар, кийим-кечаклар ва пойабзаллар бор.

Аслам АКБАРОВ, «Жаҳон» АА, Берлин.

Маънавият соатлари

ИБРАТЛИ ТАДБИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Миллий армиямиз — мустақиллигимизнинг, тинч ва оқо-йишга ҳаётимизнинг қафолатидир» асари бугунги кунда кенг жамоатчилик томонидан ўқиб ўрганилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси «Маънавият ва маърифат» маркази Тошкент вилоят бўлими Зангиота тумани ҳокимлиги билан ҳамкорликда ҳарбий қисмлардан бирида ўтказган «Миллий армия — мустақиллигимиз таянчи» мавзuidaги анжуман ҳам ана шу мақсадда уюштирилди.

Тадбирда республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари Қуддус Аъзамов, республика «Тасвирий ойина» уюшмаси раиси Исфандиёр Латипов, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги директори ўринбосари Алишер Ҳўжаев, Ўзбекистон уюшмаси Тошкент вилояти бўлими раиси Маҳмуд Тоиров, «Маънавият ва маърифат» маркази Тошкент вилояти бўлими раҳбари

Суяр Қурбонкулов, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши раҳбари ўринбосари Дийр Алимовлар қатнашдилар.

Тадбирда сўзга чиққанлар миллий армиямиз тузилишида ҳамда ҳарбий соҳада олиб борилаётган ислохотлар ҳақида фикр юритишди.

Давра суҳбатида меҳнат ва уруш фахрийлари, отахон ва онахонлар, педагог-тарбиячилар ҳамда аскарлар сўзга чиқиб, йигитларнинг Ватан ва ота-она олдидagi бурчлари тўғрисидаги ўз фикрларини билдирдилар.

Тадбир сўнгига боча тарбияланувчиларининг бадийий чиқишлари ҳамда ҳарбий аскарлар театрининг «Баҳорнинг биринчи япроғи» спектакли намоиши этилди.

Ўз мухбири.

ТАДБИРКОР УЧУН БИЗНЕС ИНКУБАТОР

Мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнес вакиллари - тадбиркорларнинг қонуний манфаат ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда. Бундай тадбирларни уюштиришда Республика бизнес инкубаторлари ва технопарклар уюшмасининг хизмати катта бўляпти.

Уюшма таркибидаги «Чирчиқ» бизнес инкубатори Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида 2002 йилнинг август ойидан буён иш олиб боради. Уюшма бош директори В.Амонликовнинг айтишича, ушбу бизнес инкубатор вакиллари давлат солиқ хизмати ва адлия вазирлиги мутахассислари билан ҳамкорликда ҳар ҳафтада тадбиркор ва фермерлар учун кўчма семинарлар ва юридик маслаҳат қўларини уюштирмоқда. Жорий йилнинг биринчи чора-ғида туман тадбиркорлари ва деҳқон-фермер ҳўжалиги вакиллари учун ўндан ортиқ шундай консултация ва ўқув семинари ўтказилди. Маъзур семинарларда тадбиркорлар

ўз фаолияти ва қонунчилик билан боғлиқ энг долзарб саволларга жавоб олиш имкониятига эга бўлди. «Чирчиқ» бизнес инкубатори, шунингдек, тадбиркорларнинг манфаат ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш дастури доирасида Тошкент вилояти давлат адвокатлари билан ҳам махсус тренинглар ўтказиб келади. Ҳозиргача ўтказилган 3 тренингда вилоят адвокатлар коллегии, адлия бошқармаси, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг юзга яқин мутахассиси иштирок этди.

Абулфайз САИДАСҚАРОВ,

(ЎЗА).

Муҳофаз

Олмадиқ кон-металлургия комбинати — мустақил Ўзбекистонимизнинг иқтисодий макеини белгиловчи қудратли корхоналардан бири. Унинг қоналари, завод ва фабрикаларида бугун 23 минг нафардан зиёд замондо-шимиз меҳнат қилиб, олтин, кўмўш ва бошқа ноёб металллар ишлаб чиқармоқда.

Бу ерда ниҳоятда кенг тармоқли ижтимоий инфраструктура ташкил этилганки, уларда минглаб ҳодимлар меҳнат қилишлари, дам олиб, соғлиқларини тиклашлари учун кечаю кундуз бе-тиним изланилмоқда. «ОКМК» очик акциядорлик жамияти маъмурияти билан қасаба кўмитасининг ижтимоий шерикчилиги бераётган самаралар қорхонада ишловчилар турмуш даражасини кўтариш, устувор йўналишлардан бири — ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришнинг ибратли намуна-сидир.

— Ижтимоий инфратузил-мамиз «Нуроний» пенсио-нерлар уйи, спорт ва спорт-техника клублари, мадания-ят саройи, санаторий-про-филаторий, болаларнинг мактабгача тарбия ва ёғи соғломлаштириш муассас-лари, дам олиш ҳудудлари-ни ўз ичига олади, — дейди қорхона бош директори Геннадий Прохоренко. — Комбинат каби унинг ижтимоий, маданий-маиший ин-шоотлари ҳам деярли ярим аср муқаддам ушда давр ан-дозалари асосида барпо этилган. Шу боис бугун биз завод ва фабрикаларни қан-дай тартибда қайта таъмир-лаб, замонавий технология-ларга ўтаётган бўлсак, хиз-мат кўрсатиш соҳаси ҳам-лари ва ускуналарини ҳам шу суръатда қайта тикла-яш-миз. Бу жараён узлуксиз давом эттирилиб, бир-бири-га мутаносиб равишда олиб боришмоқда.

Табийик, Геннадий Ива-нович алоҳида урғу бериб таъкидлаган мутаносиблик-ка эришиш осон бўлмаётир. Комбинат раҳбарияти ва қасаба кўмитасининг ақил-бево-сита, узлуксиз ҳамкор-

лиги, қорхона муваффақия-тли ишлаб туришини таъ-минлаш йўлидаги ўзаро тенг



ижтимоий шерикчилик буни қафолатламоқда.

Жамоа шартномаси ижтимоий шерикчиликни ҳара-катлантириб турган қонун-чилик ҳўжжати ҳисобланади. Бир томондан иш бериувчи — қорхона бош директори, иккинчи томондан, қасаба кўмитаси имзолаган жамоа шартномаси қорхона маъму-рияти билан меҳнат жамоа-сининг ўзаро муносабатла-рини қонуний изга солиб турибди. У ишлаб чиқариш режалари бажарилиши ва махсусотлар белгиланган тур ҳамда сифатида етказиб берилиши, капитал қури-

лиш, янги техника ва яна ҳам мукаммал технология-ларни кенг жорий этиш, ишлаб чиқариш ва меҳнат-ни ташкил этишни ахшилаб, унумдорлигини узлуксиз ошириш, махсусот танна-рини арзонлаштириб бориш, бюджет олдидидаги мажбури-ятларни ўз вақтида бажари-ришга жамоа аъзоларини кенг жалб қилишга йўнал-

лалар ва маданият муассас-ларининг сарф-ҳаражат-лари эса, 2,5 миллиард сўмини ташкил этди. «Метал-лург» маданият саройи, 10 минг уринли ўйингоҳ ва унинг машқ мажмуалари, 16 та болалар боғчаси, 250 ўринли санаторий-профи-латорий, кенг тармоқли тиббиёт муассасалари хиз-матидан олмаликликлар



итларга катта эътибор қара-тилади. Амалда ҳар иккин-чи ишловчи пархез таомлар билан таъминланади. Ҳол-буки, 2001 йили бу имти-ездан меҳнат шароити оғир асосий шехларнинг 4 минг ишчиси фойдаланарди. Бир йилда уларнинг миқдори 13 минг 500 кишига етказил-ди.

Қорхона санаторий-про-

итларга катта эътибор қара-тилади. Амалда ҳар иккин-чи ишловчи пархез таомлар билан таъминланади. Ҳол-буки, 2001 йили бу имти-ездан меҳнат шароити оғир асосий шехларнинг 4 минг ишчиси фойдаланарди. Бир йилда уларнинг миқдори 13 минг 500 кишига етказил-ди.

итларга катта эътибор қара-тилади. Амалда ҳар иккин-чи ишловчи пархез таомлар билан таъминланади. Ҳол-буки, 2001 йили бу имти-ездан меҳнат шароити оғир асосий шехларнинг 4 минг ишчиси фойдаланарди. Бир йилда уларнинг миқдори 13 минг 500 кишига етказил-ди.

итларга катта эътибор қара-тилади. Амалда ҳар иккин-чи ишловчи пархез таомлар билан таъминланади. Ҳол-буки, 2001 йили бу имти-ездан меҳнат шароити оғир асосий шехларнинг 4 минг ишчиси фойдаланарди. Бир йилда уларнинг миқдори 13 минг 500 кишига етказил-ди.

МАҲСУЛОТИНИНГ ИЗОМ ГОЛОГРАММА ҲИМОЯ ҚИЛАДИ

«Белгиз» акционерлик жамияти ўзи ёпишадиган голограммалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Уларни ҳар қандай қут, пакетга ёки товарнинг ўзига ёпиштириш мумкин. Энди Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилари ўз махсусоти-ни шонли тарзда ҳимоя қилиши мумкин.

— Голограммани қалба-килаштириб бўлмайди, — дейди АЖ бошқаруви раиси Отабек Мираҳмедов. — У нур қайтариш хусусия-тига эга бўлиб, металл қозғоздан ва махсус плен-кадан тайёрланган. Шу сабабли ксерокс ҳам, сканер ҳам, бошқа нусха қўчирувчи техника ҳам ундан нусха ололмайди: унинг ўрнида фақат қора доғ чиқади. Голограммани ишлаб чиқариш техноло-гияси жуда мураккаб. Авал расм устиди мижоз билан келишган ҳолда рассом, дизайнчи ишла-йди, сўнг технология ишлаб чиқарилади, кейин эса махсус ускуналарда ишлаб чиқариш жараёни бошланади.

Акционерлик жамияти шаклида ташкил этилган «Белгиз» Ўзбекистон-Россия қўшма қорхонаси Ўзбекистон бозоридида бир неча йилдан бери фаолият кўрсатмоқда. Аввалги унинг мутахассислари асосан қимматли қозғозлар бозоридида ишлашди, кейин акцияларни қалбакилашти-ришдан ҳимоя қилиш ишларини амалга ошириш-ди. Қимматли қозғозлар-нинг электрон дизайнини тайёрлаш, микроёзувлар, микроматнларни ёзиш, гильошир элементлар (муайян формула асосидаги эгри чиқилар) қилиш билан шуғулланишди. Ҳозир эса фаолият қўламини кенгайтирди.

Умуман олганда ҳар қандай нарсаси, шу жумла-дан қозғозга ҳам ўзи ёпишадиган услубда, ҳам иссиқ босим услубида голограмма тушириш мумкин. Ўз вақтида қўшма қорхона «Вақт» миллий депозитарийси, нақд шаклда акция чиқарган қатор акционерлик жамия-ятлари учун йирик бюрот-маларни бажарган. О.Мираҳмедов шарафли давлат бюртмаси ҳақида фахрла-ниб эслайди. Самарқанд ва Шахрисабз шаҳарларида Амир Темур ординини топишриш ҳақидаги ҳўжжатларга «Белгиз» махсус голограмма тайёр-лаб берган.

В.НИКОЛАЕВ,

ЎЗА мухбири.

Асосий Қонунизмизни ўрганамиз

85-модда.
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси:

- 1) Олий Мажлис муҳокамасига қўйилган масалаларни тайёрлашда умумий раҳбарлик қилади;
- 2) Олий Мажлис йиғилишларини чакиради, Олий Мажлис кун тартибига киритиладиган таклифларни кўмиталар ва комиссиялар раислари билан биргаликда тайёрлайди;
- 3) Олий Мажлис йиғилишларида раислик қилади;
- 4) Олий Мажлис кўмиталари ва комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб туради;
- 5) қонунларнинг ва Олий Мажлис қарорларининг бажарилишини назорат қилишни ташкил этади;
- 6) парламентлараро алоқаларни амалга ошириш ишларига ва халқро парламент ташкилотлари иши билан боғлиқ гуруҳлар фаолиятига раҳбарлик қилади;
- 7) Олий Мажлис Раисининг ўринбосарлари, Олий Мажлис кўмиталари ва

комиссиялари раислари этиб сайлаш учун Олий Мажлисга номзодларни тақдим этади;

- 8) кўмиталар ва комиссиялар раисларининг таклифига мувофиқ кўмиталар ва комиссиялар таркибини ўзгартириб, сўнгра бу ўзгартиришларни Олий Мажлис тасдиғига киритади;
- 9) Олий Мажлисининг матбуот органлари фаолиятига раҳбарликни амалга оширади;
- 10) Олий Мажлис матбуот органлари низомиларини ва тахрир хайъати таркибини ҳамда уларнинг ишлаши учун зарур ҳужжатлар сметасини тасдиқлайди;
- 11) Олий Мажлисга қарашли матбуот органлари муҳаррирларини тайинлайди ва лавозимларидан озод қилади;
- 12) Олий Мажлис депутатлари ва девонининг ишлаши учун зарур харажатлар сметасини тасдиқлайди;
- 13) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорларини имзолайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси фармойишлар чиқаради.

ҚОМУСИМИЗ — БАХТИМИЗ

Мазкур моддада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ваколатлари белгилаб қўйилган. Улар жумласига, энг аввало Раиснинг Олий Мажлис сессиялари ҳамда мажлисларини ташкил қилиш ва уларни ўтказишга доир ҳуқуқлари киради. Раис шу муносабат билан Олий Мажлисининг сессияларини тайёрлаш, уларни ўтказиш ва кун тартибини шакллантиришни таъминлаш бўйича муҳим вазифаларни бажаради. Бундан ташқари, Олий Мажлис Раиси Олий Мажлис девонини ҳамда унинг ишини ташкил қилиш билан боғлиқ бўлган ваколатларни амалга оширади.

Олий Мажлисининг кўмиталари ва комиссиялари фаолиятини мувофиқлаштирилади, Олий Мажлис девонини ҳамда депутатларнинг ишлаши учун зарур бўлган харажатлар ҳисоби (сметаси)ни тасдиқлайди.

Конституцияга асосан Раис ваколатларига, шунингдек, ўринбосарларини, кўмита ва комиссиялар раисларини сайлаш учун номзодларни Олий Мажлисга тақдим этиш ҳам киради. Бундан ташқари, кўмита ва комиссияларнинг раислари таклифига биноан ушбу органлар таркибига ўзгаришлар киритади.

Ушбу ўзгаришлар Олий Мажлис томонидан тасдиқланиши лозим. Бунда Олий Мажлис Раиси билан бир қаторда парламентнинг дастлабки сессиясида тузиладиган Олий Мажлис Кенгаши муҳим ўрин тутди. Кенгаш таркибига Олий Мажлис Раиси, раиснинг ўринбосарлари, кўмиталарнинг, Мандат Комиссиясининг раислари ва Олий Мажлис расмий фракцияларининг вакиллари киради.

Кенгаш ваколатлари «Олий Мажлис тўғрисида»ги Конституциявий Қонунда белгиланган. Уларга ҳусусан, Олий Мажлис сессиялари кун тартиби ва иш тартиби юзасидан таклифларни тайёрлаш, қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишини режалаштиришни ташкил этиш, қонунлар лойиҳаларини ва бошқа ҳужжатларни, Олий Мажлис Раиси таклифига биноан дастлабки тарзда қўриб чиқиш ва бошқалар киради. Шундай қилиб, Олий Мажлис ишини ташкил қилиш жараёнида унинг муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳақида ҳулоса чиқариш учун имкон беради. Бунда Олий Мажлис Раисига берилган ваколатлар Олий Мажлис ишини ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади.

Табиийки, раис йиғилиш залдада уяётган сўзга чиқиблар, баҳсларга раҳбарлик

қилади, депутатларга сўз беради, сўзга чиққан шахсининг нутқини бўлиб қўйиши мумкин, қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш тартибини белгилайди, овоз бериш натижаларини аёнлайди ва уларни эълон қилади. Раис парламент фаолиятининг турли соҳаларини мувофиқлаштириб туради. Парламент раиси маблагларни (парламент бюджетини) бошқаради ва юридади, парламент хизматчиларини тайинлайди.

Таомилга қўра катта ҳуқуқлар раисга парламент қарорига ва қонун чиқарувчилик соҳасида катта таъсир кўрсатиш имконини беради. Шунинг учун кўп ҳолларда раисдан бир нарсаси — мутлақ бетафар бўлиш талаб этилади. Бир қатор ҳолларда у партиядан чиқши ва «палатанинг хизматкори» бўлиши ҳамда партияларга мойилликдан холи бўлиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ваколатлари анча кенг. Уларни бир неча гуруҳларга бўлиш мумкин.

Биринчи гуруҳ — Раиснинг Олий Мажлис фаолиятига ташкилий раҳбарлик бўйича ваколатларидир. Уларга қуйидагилар киради:

- Олий Мажлис муҳокамасига қўйилган масалаларни тайёрлашга умумий раҳбарлик қилиш;
- Олий Мажлис сессияларини чакриш, Олий Мажлис кун тартибига киритиладиган таклифларни кўмиталар ва комиссиялар раислари билан биргаликда Олий Мажлис регламентида мувофиқ тайёрлаш;
- Олий Мажлис ва унинг Кенгаши йиғилишларида раислик қилиш;
- Олий Мажлис Кенгашига унинг ваколатига тегишли масалаларни киритиш;
- қонунларнинг ва Олий Мажлис қарорларининг бажарилишини назорат қилишни ташкил этиш.

Иккинчи гуруҳ — Раиснинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг кўмиталари ва комиссиялари фаолиятига раҳбарлик қилиш ва мувофиқлаштириб туриш бўйича ваколатлари.

Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- Олий Мажлис кўмиталари ва комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб туриш;
- Олий Мажлис Кенгашининг розилигига биноан Олий Мажлисга кўмиталар ва комиссиялар раисларининг ўринбосарлари номзодларини тақдим этиш;
- кўмиталар ва комиссиялар раисларининг тақдими мувофиқ, Олий Мажлис кенгаши билан келишилган ҳолда, кўмиталар ва комис-

Эргаш САЙИТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Авлия вазирлиги
бошқарма бошлиғининг
ўринбосари,
2-даражали адлия
маслаҳатчиси.

Самолётларни техник таъмирлаш янада яхшиланади

Германиянинг Lufthansa technic u Hydro-Geratebau GmbH компаниялари иштороқда Тошкент самолётларни таъмирлаш заводи негизига шаклланди. Фарбда ишлаб чиқаришга самолётларга хизмат кўрсатувчи техник марказни ривожлантириш ишларининг иккинчи босқичи бошланди.

Бу борада Германия компаниялари "Ўзбекистон хаво йўллари" миллий авиакомпанияси билан 6,5 миллион АКШ доллар қийматга тенг бўлган техник хизматлар ва диагностика услулари билан таъмирлаш бўйича битим имзолади. Етказиб берилган ускуналар билан ангар бўйларини янгиланади. Самолёт қисмларини таъмирлаш бўйича ускуналар ўрнатилиб, диагностика-метроло-

гия маркази қурилади. Битими молиялаштириш Ўзбекистон ҳукумати кафолати асосида Германия банклари кредити ҳисобига амалга оширилади. Иккинчи босқич лойиҳаси жорий йилнинг охирига қадар яқунланади.

Ўзбекистон хаво йўллари миллий авиакомпанияси Фарбда ишлаб чиқарилган самолётларга техник хизмат кўрсатиш марказини ривожлантириш учун



18,8 миллион АКШ доллар микдорда чет эл сармоясини жалб этишни режалаштирган. Шу мақсадда уч босқичдан иборат техник дастур тайёрланган.

Айни пайтда 7,3 миллион АКШ доллар микдордаги унчинчи босқич ишларини молиялаштириш тартиби ҳам ишлаб чиқилаётир.

Бехбўд БОТИРОВ,
ЎзА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН МАҲСУЛОТЛАРИГА — ЭКОЛОГИК СЕРТИФИКАТ

Маҳсулот ишлаб чиқарувчилар, савдо корхоналари, тадбиркорлар, юридик ва жисмоний шахслар диққатига!

Сиз маҳсулот ишлаб чиқарасиз, хизмат кўрсатасиз ва уни халқро бозорга олиб чиқмоқчисиз. Республика ҳудудига маҳсулотларни олиб кириш ва олиб чиқиш ишлари билан шуғулланасиз. Бу ўринда Сиз томондан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот экологик сертификатланиши шарт.

Бу муаммоларни ҳал этиш мақсадида Тошкент вилояти табиати муҳофаза қилиш кўмитаси қошида экологик сертификатлаштириш, стандартлаштириш ва меъёрлаштириш бўлими ташкил этилган. «Тошвилэксертификат»га мурожаат этинг. Манзилими: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк ипак йўли кўчаси, 235-уй.

Телефонлар: (8-3712) 65-03-46, 65-81-52. Зарур ҳужжатларни тушлаш ва расмийлаштириш юзасидан дастлабки маслаҳат ва маълумотларни жойлардаги шахар ва туман табиатни муҳофаза қилиш кўмиталаридан олишингиз мумкин.

«Тошвилэксертификат».

«ЯНГИЙЎЛ ЁҒ МОЙ» ОАЖ БЎЙИЧА

САЛМОҚЛИ ФАКТ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

Корхона манзили: Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри, Самарқанд кўчаси, 352.

Маълумот тартиб рақами - 07
Реестрни ёпиш бошланадиган сана 02.03.2003й.
Кузатув кенгашининг 26.02.2003 й.даги қарори.

Маълумот тартиб рақами - 09
Умумий йиғилиш тури: йиллик, 2002 йил якунларига қўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил

1 апрелдаги Фармони ижроси бўйича.
Ўтказиш шакли: очик.
Умумий йиғилишни ўтказиш санаси: 01.04.2003 й.
Ўтказиш жойи: Янгийўл шаҳри, Самарқанд кўчаси, маданият уйи.
Жамоат: 8210208 дона овоз берувчи қатнаш, 77.3%.
Баённома тузиш санаси: 01.04.2003 й.

Овозга қўйилган масалалар ва уларга овоз бериш якунлари:

Умумий йиғилиш қабул қилган қарорларнинг тўлиқ ифодаси:

1. «Янгийўл ёғ мой» ОАЖнинг 2002 йилдаги молиявий-ҳўжалик фаолияти ҳақидаги дирекция ҳисоботи ихобий деб маъқуллансин ва тасдиқлансин - 99,7% овоз.
2. «Янгийўл ёғ мой» ОАЖнинг 2002 йил учун тақдим этилган бухгалтерлик баланси барча иловалари ва ҳисоб-китоблари билан ҳамда фойдалар ва зарарлар ҳисоби тасдиқлансин, 2002 йилдаги жамиятнинг мавжуд зарарлари фойда ҳисобидан қоплансин. Тасдиқланди — 99,7% овоз билан.
3. Жамият Тафтиш комиссиясининг 2002 йилдаги фаолияти қонқарли деб топилсин ва унинг 2002 йилдаги фаолияти ҳақидаги ҳисобот тасдиқлансин — 99,7% овоз билан.
4. «Dali-audit» мустақил аудиторлик фирмасининг 2002 йил мобайнида «Янгийўл ёғ-мой» ОАЖ молиявий-ҳўжалик фаолиятини текшириш борасидаги фаолияти қонқарли деб топилсин, унинг фаолияти якунлари бўйича ҳулоса ва ҳисобот тасдиқлансин — 99,8% овоз билан.
5. Акциядорлик жамиятининг 383235 минг сўм микдорда олинган фойдаси АЖ Устав капиталини реинвестициялаш ва ўстириш (капитализация) учун йўналтирилгани ҳамда қарилган акциялар қўринишида акциядорлар ўртасида улардаги мавжуд акцияларга мутаносиб тарзда тақсимлангани билан боғлиқ тартиб тасдиқлансин, фойданинг 55190 минг сўм микдордаги қолдиги резерв фондини тўлдирши учун йўналтирилсин — тасдиқланди 99,7% овоз билан.
6. «Янгийўл ёғ-мой» АЖнинг 2003 йилги тақдим этилган таҳлилдаги бизнес-режаси барча иловалари ва ҳисоб-китоблари билан ҳамда ижтимоий инфраструктура учун харажатлар сметаси тасдиқлансин — 99,7% овоз билан.
7. «DALI-audit» аудиторлик фирмаси (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 15 январдаги АФ сериали 00356 рақамли лицензияси) директори Дедюкина Т. А., «Янгийўл ёғ-мой» ОАЖ



молиявий-ҳўжалик фаолиятининг 2003 йил давомида текширувчи мустақил аудитор сифатида тасдиқлансин — 99,7% овоз билан.

8. АЖ Кузатув кенгашининг 1998 йилдан 2002 йилгача фаолияти қонқарли деб топилсин ва унинг фаолияти ҳақидаги ҳисобот тасдиқлансин — 99,6% овоз билан.
9. «Янгийўл ёғ-мой» ОАЖ Кузатув кенгаши қуйидаги тартибда сайлансин:
 1. Жўраев В. Х. — ёқлаб 7541051 овоз — 91,8%
 2. РАДЖАБОВ Н. А. — ёқлаб 7541054 овоз — 91,8%
 3. ЭРГАШЕВА Б. Э. — ёқлаб 7513334 овоз — 91,8%
 4. МУРАТОВ В. З. — ёқлаб 7521939 овоз — 91,6%
 5. МИРЗАТИЛЛАЕВА Ф. Р. — ёқлаб 7531294 овоз — 91,7%
 6. КАРПОВА С.Д. — ёқлаб 7458584 овоз — 90,8%
 7. НУРИТДИНОВА М.В. — ёқлаб 7511519 овоз — 91,8%
 8. НУРИТДИНОВА М.В. — ёқлаб — 7464064 овоз — 90,9%
 9. ШОХАЪЗАМИЙ Ш.Ш. — ёқлаб 8156579 овоз — 99,3%
10. «Янгийўл ёғ-мой» ОАЖ директори қилиб М. Е. Толипов сайлансин. Унинг сайланишига 8197724 овоз ёки умумий йиғилишда қатнашган акциядорларнинг 99,8%и (3/4 дан ошди) овоз беришди.
11. Акциядорлик жамиятининг «Ижро органи ҳақида», «Кузатув кенгаши ҳақида», «Умумий йиғилиш ҳақида» Низомига ўзгаришлар киритилсин. Қарор навбатдаги йиллик

йиғилишда қатнашган акциядорларнинг кўпчилиги — 99,7% овози билан қабул қилинди.

12. Тафтиш комиссияси қуйидаги тартибда сайлансин:

1. Абдусатторова Х.К. — ёқлаб 8194719 овоз — 99,81%
2. Насретдинова Р. — ёқлаб 8142304 овоз — 99,7%
3. Сагирова П.В. — ёқлаб 8149379 овоз — 99,25%
13. «Янгийўл ёғ-мой» ОАЖ Уставига ўзгаришлар киритилсин. Қарор навбатдаги йиллик йиғилишда қатнашган акциядорларнинг кўпчилиги — 99,27% (3/4дан кўп) овози билан қабул қилинди.

Маълумот тартиб рақами — 10

1. «Янгийўл ёғ-мой» ОАЖ Ижро органи (дирекция) таркибидаги ўзгаришлар.
2. «Янгийўл ёғ-мой» ОАЖ директори этиб, М. Е. Толипов тайинланди.
3. Устав фондигаги иштирок улуши 0,01%.
4. «Янгийўл ёғ-мой» ОАЖ акциядорлари умумий йиғилишининг 01.04.2003й.даги қарори.
5. Ўзгаришлар санаси 01.04.2003й.
6. «Янгийўл ёғ-мой» ОАЖ Кузатув кенгаши таркибидаги ўзгаришлар.

«Янгийўл ёғ-мой» ОАЖ Кузатув кенгаши тартибига сайландилар:	Эмитентнинг Устав фондигаги улуши %
1. Жўраев В.Х.	10% давлат улуши
2. Раджабов	0,05%
3. Эргашева Б.Э.	0,01%
4. Муратов В.З.	0,14%
5. Мирзатиллаева Ф.Р.	0,01%
6. Карпова С.Д.	0,16%
7. Эргашев Д.	0,03%
8. Нуритдинова М.В.	0,02%
9. Шохазамий Ш.Ш.	6,0% ПИФлар

«Янгийўл ёғ-мой»ОАЖ акциядорларининг 01.04.2003й.даги қарори.
Ўзгариш санаси 01.04.2003й.

СЕЗИЛАРЛИ ФАКТЛАР ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Эмитентнинг тўлиқ номи: Очқик акциядорлик жамияти шаклидаги «Ғазалкент тошга ишлов бериш комбинати».

Манзили: Тошкент вилояти, Ғазалкент ш., Мармар кўчаси, 1-уй, индекс 702180, тел.: 21-035, 22-954 (код 274)

Ахборотнинг тартиб рақами: 05. Қимматбаҳо қозғалар бўйича фойда ҳисоблансин. Акциядорларнинг 27.03.2003 йилдаги йиллик умумий йиғилиши қарорига қўра корхонанинг жами 4735 дона эгаси ёзилган имтиёзли акцияларнинг ҳар бирага 20 сўмдан дивиденд ҳисобланади. Дивидендлар корхона қасоси ор-

қали нақд пул билан ёки акциядор (акциядор вакили)нинг ёзма талабига қўриб банқдаги ҳисоб рақамига пул ўтказиб бериш йўли билан қонунда белгиланган муддатларда ва тартибда тўлиқ тўланади.

Ахборотнинг тартиб рақами: 09. Акциядорлар умумий йиғилиши қарори 27.03.2003 й. Ғазалкент ш., Мармар кўчаси, 1-уйда

«Ғазалкент тошга ишлов бериш комбинати» акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Умумий йиғилишда акциядорлар ва уларнинг вакиллари бевосита қатнашдилар. Умумий йиғилишнинг қворуни 90,24 % ни ташкил этди. Овозга қўйилган масалалар ва улар бўйича овоз бериш натижалари:

1. Таъсис ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги УП-3202 сонли Фармони ва 2003 йил 13 февралдаги Р-1708 сонли Фармойиши талабларига жавоб берадиган даражага етказилсин.
Тарафдор: йўқ; Қарши: 338 847 овоз ёки 97,84 %; Бетафар: йўқ; Овоз беришда қатнашмади: 7469 овоз ёки 2,16 %.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги УП- 3202 сонли Фармони ва 2003 йил 13 февралдаги Р-1708 сонли Фармойиши ижро этиш мақсадида белгиланган тартибда бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклга айлантилсин.
Тарафдор: йўқ; Қарши: йўқ; Овоз беришда қатнашмади: 7469 овоз ёки 97,92 %; Қарши: йўқ; Бетафар: йўқ; Овоз беришда қатнашмади: 7217 овоз ёки 2,08 %.
3. Кузатув кенгашининг ҳисоботи тасдиқлансин.
Тарафдор: 339 099 овоз ёки 97,92 %; Қарши: йўқ; Бетафар: йўқ; Овоз беришда қатнашмади: 7217 овоз ёки 2,16 %.
4. Акциядорлик жамият ижро органининг қорхонанинг 2002 йилги молиявий-ҳўжалик фаолияти якунлари бўйича ҳисоботи, бухгалтерлик баланси, фойда ва зарарлар счёти, қимматбаҳо қозғалар бўйича ФН—2ЦБ шаклидаги ҳисоботи ва бошқа ҳисоботлари тасдиқлансин.
Тарафдор: 339 099 овоз ёки 97,92 %; Қарши: йўқ; Бетафар: йўқ; Овоз беришда қатнашмади: 7217 овоз ёки 2,08 %.
5. Корхонанинг 2002 йилги молиявий-ҳўжалик якунлари бўйича тафтиш комиссияси ҳулосаси ҳамда аудиторлик текшириш натижалари тасдиқлансин.
Тарафдор: 339 099 овоз ёки 97,92 %; Қарши: йўқ; Бетафар: йўқ; Овоз беришда қатнашмади: 7217 овоз ёки 2,08 %.
6. 2002 йил бўйича фойда тақсимлашни, дивиденд микдори ва уни тўлаш тартиби тасдиқлансин.
Тарафдор: 339 099 овоз ёки 97,92 %; Қарши: йўқ; Бетафар: йўқ; Овоз беришда қатнашмади: 7217 овоз ёки 2,08 %.
7. 2003 йил учун бизнес-режа тасдиқлансин.
Тарафдор: 339 099 овоз ёки 97,92 %; Қарши: йўқ; Бетафар: йўқ; Овоз беришда қатнашмади: 7217 овоз ёки 2,08 %.
8. Эргашев С.К. Кузатув кенгаши аъзолигига сайлансин.
Тарафдор: 339 099 овоз ёки 97,92 %; Қарши: йўқ; Бетафар: йўқ; Овоз беришда қатнашмади: 7217 овоз ёки 2,1 %.
9. Абдужалилов А. Кузатув кенгаши аъзолигига сайлансин.
Тарафдор: 339 099 овоз ёки 97,92 %; Қарши: йўқ; Бетафар: йўқ; Овоз беришда қатнашмади: 7217 овоз ёки 2,08 %.
10. Қосимов С.М. Кузатув кенгаши аъзолигига сайлансин.
Тарафдор: 339 046 овоз ёки 97,9 %; Қарши: йўқ; Бетафар: йўқ; Овоз беришда қатнашмади: 7270 овоз ёки 2,1 %.
11. Шахмудинов А.И. Кузатув кенгаши аъзолигига сайлансин.
Тарафдор: 339 046 овоз ёки 97,9 %; Қарши: йўқ; Бетафар: йўқ; Овоз беришда қатнашмади: 7270 овоз ёки 2,1 %.
12. Мадаминов И.О. Кузатув кенгаши аъзолигига сайлансин.
Тарафдор: 339 099 овоз ёки 97,92 %; Қарши: йўқ; Бетафар: йўқ; Овоз беришда қатнашмади: 7217 овоз ёки 2,08 %.
13. Абдухалилов Ю.Т. Кузатув кенгаши аъзолигига сайлансин.
Тарафдор: 339 099 овоз ёки 97,92 %; Қарши: йўқ; Бетафар: йўқ; Овоз беришда қатнашмади: 7217 овоз ёки 2,08 %.
14. Абдухалилов Ю.Т. Кузатув кенгаши аъзолигига сайлансин.
Тарафдор: 339 099 овоз ёки 97,92 %; Қарши: йўқ; Бетафар: йўқ; Овоз беришда қатнашмади: 7217 овоз ёки 2,08 %.
15. Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низом тасдиқлансин.
Тарафдор: 339 099 овоз ёки 97,92 %; Қарши: йўқ; Бетафар: йўқ; Овоз беришда қатнашмади: 7217 овоз ёки 2,08 %.
16. Бошқарув раиси билан шартнома узайтирилсин.
Тарафдор: 339 099 овоз ёки 97,92 %; Қарши: йўқ; Бетафар: йўқ; Овоз беришда қатнашмади: 7217 овоз ёки 2,08 %.

7. 2003 йил учун бизнес-режа тасдиқлансин.
Тарафдор: 339 099 овоз ёки 97,92 %; Қарши: йўқ; Бетафар: йўқ; Овоз беришда қатнашмади: 7217 овоз ёки 2,08 %.
8. Эргашев С.К. Кузатув кенгаши аъзолигига сайлансин.
Тарафдор: 339 099 овоз ёки 97,92 %; Қарши: йўқ; Бетафар: йўқ; Овоз беришда қатнашмади: 7217 овоз ёки 2,08 %.
9. Абдужалилов А. Кузатув кенгаши аъзолигига сайлансин.
Тарафдор: 339 099 овоз ёки 97,92 %; Қарши: йўқ; Бетафар: йўқ; Овоз беришда қатнашмади: 7217 овоз ёки 2,08 %.
10. Қосимов С.М. Кузатув кенгаши аъзолигига сайлансин.
Тарафдор: 339 046 овоз ёки 97,9 %; Қарши: йўқ; Бетафар: йўқ; Овоз беришда қатнашмади: 7270 овоз ёки 2,1 %.
11. Шахмудинов А.И. Кузатув кенгаши аъзолигига сайлансин.
Тарафдор: 339 046 овоз ёки 97,9 %; Қарши: йўқ; Бетафар: йўқ; Овоз беришда қатнашмади: 7270 овоз ёки 2,1 %.
12. Мадаминов И.О. Кузатув кенгаши аъзолигига сайлансин.
Тарафдор: 339 099 овоз ёки 97,92 %; Қарши: йўқ; Бетафар: йўқ; Овоз беришда қатнашмади: 7217 овоз ёки 2,08 %.
13. Абдухалилов Ю.Т. Кузатув кенгаши аъзолигига сайлансин.
Тарафдор: 339 099 овоз ёки 97,92 %; Қарши: йўқ; Бетафар: йўқ; Овоз беришда қатнашмади: 7217 овоз ёки 2,08 %.
14. Абдухалилов Ю.Т. Кузатув кенгаши аъзолигига сайлансин.
Тарафдор: 339 099 овоз ёки 97,92 %; Қарши: йўқ; Бетафар: йўқ; Овоз беришда қатнашмади: 7217 овоз ёки 2,08 %.
15. Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низом тасдиқлансин.
Тарафдор: 339 099 овоз ёки 97,92 %; Қарши: йўқ; Бетафар: йўқ; Овоз беришда қатнашмади: 7217 овоз ёки 2,08 %.
16. Бошқарув раиси билан шартнома узайтирилсин.
Тарафдор: 339 099 овоз ёки 97,92 %; Қарши: йўқ; Бетафар: йўқ; Овоз беришда қатнашмади: 7217 овоз ёки 2,08 %.

7. 2003 йил учун бизнес-режа тасдиқлансин.
Тарафдор: 339 099 овоз ёки 97,92 %; Қарши: йўқ; Бетафар: йўқ; Овоз беришда қатнашмади: 7217 овоз ёки 2,08 %.
8. Эргашев С.К. Кузатув кенгаши аъзолигига сайлансин.
Тарафдор: 339 099 овоз ёки 97,92 %; Қарши: йўқ; Бетафар: йўқ; Овоз беришда қатнашмади: 7217 овоз ёки 2,08 %.
9. Абдужалилов А. Кузатув кенгаши аъзолигига сайлансин.
Тарафдор: 339 099 овоз ёки 97,92 %; Қарши: йўқ; Бетафар: йўқ; Овоз беришда қатнашмади: 7217 овоз ёки 2,08 %.
10. Қосимов С.М. Кузатув кенгаши аъзолигига сайлансин.
Тарафдор: 339 046 овоз ёки 97,9 %; Қарши: йўқ; Бетафар: йўқ; Овоз беришда қатнашмади: 7270 овоз ёки 2,1 %.
11. Шахмудинов А.И. Кузатув кенгаши аъзолигига сайлансин.
Тарафдор: 339 046 овоз ёки 97,9 %;

1 2 3 4 5 6